

**“Жомбай дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти  
акциядорларининг 2022йил якуни бўйича умумий йиғилиши  
1-сонли баённомаси**

*2023 йил 31 марта соат  
09-00*

*Жомбай шаҳри, Буюк ипак  
йули 1 уй*

**Йиғилиш раиси:**

Ш.Хужабеков—«Ўздонмаҳсулот» АК ишончли вакили

**Иштирок этганлар:**

“Жомбай дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти акциядорлари ҳамда улар номидан келган вакиллар, жамият кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолари (*рўйхатга олиши қайдномаси бўйича*)

Жами овоз берувчи акциялар 361 809 уч юз олтмиш бир минг саккиз юз тўққиз) дона. Йиғилишда иштирок этаётган акциядорлар ва уларнинг вакилларига тегишли овоз берувчи акциялар сони 313 996 дона. Йиғилиш кворуми 86,78 фоиз.

Кун тартибидаги **биринчи масала** бўйича «Ўздонмаҳсулот» АК ишончли вакили Ш.Хужабеков умумий йиғилишни олиб бориш тартиби, регламентини тасдиқлаш ва саноқ комиссияси аъзоларини сайлаш таклифини киритди. Йиғилиш иштирокчиларидан йиғилиш ишчи ҳайъатига номзодлар киритишни таклиф қилди. Йиғилиш ишчи ҳайъатига қўйидаги номзодлар таклиф этилди:

1. Ш.Хужабеков «Ўздонмаҳсулот» АК ишончли вакили
2. П.Алияров – «Ўздонмаҳсулот» АК вакили
3. Р.Тураев - 29,28 фоиз акция эгаси

Йиғилиш раислигига Ш.Хужабеков, йиғилиш котиблигига Ж.Абдурахимов таклиф этилди.

Таклиф этилган номзодлар очик овоз бериш орқали бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

**Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «каршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида” ги қонунининг 66-моддасига мувофиқ, овозларни санаб чиқиши, умумий йиғилишда иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун саноқ комиссиясини сайлаш, комиссия сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилишида тасдиқланиши

белгиланганлигини билдириди.

Саноқ комиссиясининг таркиби камида уч кишидан иборат бўлиши ҳамда бу таркибга жамият кузатув кенгашининг аъзолари, тафтиш комиссиясининг аъзолари (тафтишчиси), жамият бошқарув раиси, жамият бошқаруви аъзолари, ишончли бошқарувчи, шунингдек ана шу лавозимларга номзоди кўрсатилган шахслар кириши мумкин эмаслигини маълум қилди.

Йиғилиш котиби Ж.Абдурахимов жамият томонидан саноқ комиссияси аъзолигига жамият бухгалтерия ходимлари Ю.Ходжакулова, С.Исмоилова ва И.Махмудовларнинг номзодлари таклиф қилинганлиги тўғрисида ахборот берди.

Саноқ комиссиясини юқоридаги номзодлар таркибida очик овоз бериш орқали акциядорлар томонидан тасдиқлаб беришлари сўралди:

**Кун тартибидаги ушбу масала овозга қўйилди ва таклиф бир овоздан маъкулланди.**

Кун тартибидаги **иккинчи масала** юзасидан йиғилиш раиси умумий йиғилишни олиб бориш тартиби, йиғилишда маърузага чиқувчиларга 10 дақиқа, муҳокама учун 5 дақиқа ажратиш ва йиғилишни танафуссиз якунлаш таклифи берилди.

Шундан сўнг Куйидаги (кузатув кенгашида тасдиқланган ва олдиндан акциядорларга тарқатилган) кун тартиби ўқиб эшиттирилди:

**Кун тартиби:**

**1.** Акциядорлар умумий йиғилишининг ишчи президуми ва саноқ комиссиясини сайлаш;

**2.** Акциядорлар умумий йигилишининг регламенти ва кун тартибини тасдиқлаш.

**3.** Жамият кузатув кенгашининг 2022 молиявий йил якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш;

**4.** Жамиятнинг 2022 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи ва 2022 йилнинг асосий натижалари ҳамда 2023 йилда амалга ошириладиган долзарб вазифалар тўғрисида бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.

**5.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019-йил ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувафиқ 2022- молиявий йил якуни бўйича бошқарув раисининг Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг ҳисоботини тасдиқлаш;

**6.** Жамиятнинг 2022 молиявий йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда фойда ва заарларини тасдиқлаш;

**7.** Жамият Тафтиш комиссиясининг 2022 молиявий йил якунлари бўйича текшириш ҳисоботи ва хулосасини тасдиқлаш;

**8.** Жамиятнинг 2022 йил молиявий йил якунлари бўйича Ташқи

аудиторлик ташкилоти **MCHJ«ZAMIN OIL-AUDIT»**нинг хулосаси (МХХС, МХМС) ҳамда 2022 йил учун СМК, СЙК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш натижалари юзасидан жамият ташқи аудиторининг хулосасини эшлиши тасдиқлаш;

**9.**2022 йил якуни бўйича жамият фойдасини тақсимланиши, устав фондидағи акцияларга ҳисобланадиган дивиденд миқдорини белгиланиши ва дивиденд тўлаш муддатини тасдиқлаш;

**10.** Жамият 2023 йил фаолияти учун Кузатув кенгаши аъзоларини қайта сайлаш “Кузатув кенгаши, Ижро этувчи органи, Тафтиш комиссияси аъзолари ва Ишчи гурухи аъзоларини моддий рағбатлантириш тўғрисида”ги НИЗОМга ўзгартириш киритиш.

**11.** Жамият 2023 йил фаолияти учун Тафтиш комиссияси аъзоларини қайта сайлаш

**12.**Жамиятнинг 2023 йил учун ижроия органи раҳбари ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасини муддатини узайтириш.

**13.** Жамиятда 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текшируванин ўтказиш учун аудитор хизматини кўрсатувчи ташкилотлар таклифини кўриб чиқиши ҳамда уларга тўланадиган хизмат ҳақи миқдорини белгилаш;

**14.** **MCHJ«ZAMIN OIL-AUDIT»** аудиторлик ташкилоти томонидан 2022 йилда корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини эшлиши тасдиқлаш.

**15.**Корхонада харидлар жараёниниг шаффоғлиги асослилиги шу жумладан,маҳаллий маҳсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлилигини хисобга олган холда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит хулосасини тасдиқлаш.

**16.**Давлат руйхатидан чиқарилиб,фаолияти тугатилган юридик шахсларнинг куп йиллардан бўён ундирилмасдан келаётган умидсиз,муддати утган дебитор қарздорликларни юридик шахс тугатилганлиги хақида тегишли хужжатларга асосан жамият балансидан чиқариш

Кун тартибидаги иккинчи масала очик овоз орқали тасдиқланди ва таклиф бир овоздан маъкулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

### **Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Йиғилиш раиси кун тартибидаги биринчи ва иккинчи масалалар акциядорлар томонидан очик овоз бериш орқали тасдиқлаб олинганлиги сабабли, кун тартибидаги учинчи масалани кўриб чиқиши таклифини киритди.

Кун тартибидаги учинчи масала юзасидан “Жомбой дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти Кузатув кенгаши раиси Ш.Хужабеков сўзга чиқиб, 2023 йил давомида 13 маротаба кузатув кенгаши аъзолари

йиғилиши ўтказилғанлиги, шунингдек, ушбу йиғилишларда жамият фаолияти билан боғлиқ ҳамда жамиятни янада ривожлантириш борасида устувор вазифалар белгилаб олинғанлигини гапириб ўтди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида Низом”га асосан ташқи аудиторлик корхонасининг тегишли хуносасига кўра жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йиғинди кўрсаткичи СИК 96,2 фоиз, яъни “аъло” даражада ҳамда жамиятда корпоратив бошқарув фаолияти мустақил ташкилот томонидан “қониқарли” деб баҳоланганини таъкидланди. (ҳисобот илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги учинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

#### **Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Кун тартибидаги **тўртинчи масала** юзасидан 2022 йилда жамият фаолиятига раҳбарлик қилган К.Х.Шомурадов сўзга чиқиб, “Жомбой дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятида бажарилган ва амалга ошмай қолган барча ишлари тўғрисида батафсил маълумот бериб ўтди (ҳисобот илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги тўртинчи масала ҳам акциядорлар томонидан тингланиб, бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

#### **Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Кун тартибидаги **бешинчи масала** юзасидан, йиғилиш раиси Ш.Хужабеков “Жомбой дон маҳсулотлари” акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича директори Ш.Умаровнинг 2022 йил якуни бўйича ҳисоботини эшитишни таклиф этди. Ш.Умаров томонидан Йиғилиш иштирокчиларига ҳисобот берилди ва муҳокама қилинган ҳисоботни овозга кўйиш таклифи киритилди (ҳисобот илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги бешинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

#### **Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Кун тартибидаги **олтинчи масала** юзасидан, жамият бош ҳисобчиси Г.Мавлонов сўзга чиқиб, бошқарув томонидан жамият даромадини ошириш борасида аник, режали чора-тадбир амалга оширилғанлиги боис ўтган 2022 йил фаолияти натижалари қониқарли якунлаганлигини таъкидлади.

Шу билан бирга, жамиятнинг ўз маблағлари ва акциядорлик жамияти мажбуриятлари унинг актив манбаи бўлиб, уларнинг ҳисоб рақамларида акс

эттирилиши бухгалтерия ҳисоби тамойилларига мос келиши, балансининг халқаро талабларга мос ҳолда юритилиши якуний молиявий натижаларнинг түғри аниқланишига асос бўлиши, ўтказилган таҳлил ва текширувлар натижасида жамият бухгалтерия балансининг ошкоралиги таъминланганлиги ҳамда мазкур ҳолатни жамиятнинг 2022 йилги молиявий натижаларини текширувидан ўтказган “**ZAMIN-OIL AUDIT**” МЧЖ аудит ташкилоти хulosаларида ҳам ёритилганлиги маълум қилинди.

2022 йил молия хужалик фаолияти якупнлари бўйича 62 516 000 сум соф фойда олинганлиги таъкидланди .

Йифилиш иштирокчилари муҳокамаси эшитилгандан сўнг, йифилиш раиси кун тартибидаги ушбу олтинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

Таклиф этилган кун тартибидаги олтинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

**Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Кун тартибидаги **еттинчи масала** бўйича йифилиш раиси Ш.Хужабеков сўзни жамият Тафтиш комиссияси раиси А.Юлдашевга берди. «Жомбой дон маҳсулотлари» АЖ жамият таштиш комиссияси раиси ва аъзолари «Жомбой дон маҳсулотлари» АЖнинг 2022 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача бўлган молиявий хўжалик фаолиятини тафтиш текширувидан ўтказганлиги ҳақида ҳисоботини эшиттириди (ҳисбот илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги еттинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

**Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Кун тартибидаги **саккизинчи масала** бўйича бош ҳисобчи Г.Мавлоновга сўз берилди. Жамиятнинг 2022 йил молиявий йил якупнлари бўйича Ташқи аудиторлик ташкилоти **MCHJ“ZAMIN OIL-AUDIT”**нинг хulosаси (МҲҲС, МҲМС) ҳамда 2022 йил учун СМК, СИК ва уларнинг бажарилиши фоизларининг ҳисобланган миқдорини текшириш натижалари юзасидан жамият ташқи аудиторининг хulosаси укиб эшиттирилди. Ташқи аудит хulosасига кўра жамиятнинг ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигининг йифинди кўрсаткичи СИК 96,2 фоиз, яъни “аъло” даражада баҳолангандиги таъкидланди (ҳисбот илова қилинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги саккизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

**Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Кун тартибидаги **тўққизинчи масала** бўйича

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йифилиш раиси сўзга чиқиб, йифилиш қатнашчиларини жамият ижро органи билан кўриб чиқилган таклиф ва кузатув кенгаши тавсияси (*кузатув кенгашининг 2022 йил 03 мартағи 12-сон баёни*) билан таништириди ва шунга асосан жамиятнинг

2022 йил якуни бўйича олинган 62 516 000 сум соф фойдани қўйидагида тақсимлаш таклифини киритди, яъни:

50,0 фоизини, 31 258 000 сўм ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига; 50,0 фоизи 31 258 000 сўмни (бунда ҳар бир дона акция учун  $31\ 258 / 362161 = 86,30$  сўм) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуннинг

51-моддасига асосан акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтириш масаласини кўриб чиқиш тўғрисида таклиф киритди.

Дивиденд тўлашни қонунда белгиланган муддатларда амалга оширилиши кўзда тутилганини билдириди.

Йиғилиш иштирокчилари муҳокамаси эшитилгандан сўнг, раислик этувчи кун тартиbidаги ушбу тўққизинчи масалани овозга қўйиш таклифини берди:

Таклиф этилган кун тартиbidаги тўққизинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

#### **Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Кун тартиbidаги **ўнинчи масала** юзасидан, йиғилиш раиси, умумий ииғилиш муҳокамасига Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 63-моддасига мувофиқ, жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин ўттиз қундан кечиктирмай, агар жамият уставида бундан кечроқ муддат белгиланмаган бўлса, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартиbiga масалалар киритишга ҳамда жамият кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси (тафтишчилиги)га бу органнинг таркибидан ошмайдиган миқдорда номзодлар кўрсатишга ҳақлилигини билдириди.

“Кузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини амалдаги меъёрий хужжатлар асосида моддий рағбатлантирилиб борилиши таъкидланди.

Қонунда белгиланган муддатда кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар таклифи берилган бўлиб, ушбу номзодлар қўйидаги тартибда овозга қўйилди:

#### **Овоз бериш натижалари:**

1. Ш.Хужабеков – 363 909 овоз
2. П.Алияров – 363 909 овоз
3. Б.Хасанов – 363 909 овоз
4. Т.Қиличев – 363 909 овоз
5. Р.Тўраев – 247 446 овоз
6. А.Тураева – 247 445 овоз
7. Қ.Мухторов – 247 445 овоз

Кун тартиbidаги **ўн биринчи масала** юзасидан, йиғилиш раиси, 2022 йил фаолияти учун тафтиш комиссияси аъзоларини, таркиби белгиланган

миқдорда күрсатилишига эътибор қаратиб, Қонунда белгиланган муддатда жамиятга келиб тушган таклифлардан келиб чиқиб, ушбу номзодлар қуидаги тартибда овозга қўйилди:

**Овоз бериш натижалари:**

1. А.Юлдашев – 313 996 овоз
2. Д.Темирова – 313 996 овоз
3. Ж.Сайдакбаров – 313 996 овоз

Кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** юзасидан, йиғилиш раиси Ш.Хужабеков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига мувофиқ, акциядорлик жамияти ижро органининг раҳбарини тайинлаш тўғрисидаги қарорда хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилиниши белгиланганлигини айтиб ўтди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ акциядорлик жамиятларининг Бошқарув раиси ўз лавозимига бир йил муддатга ёлланиши ва у билан шу муддатга меҳнат шартномаси имзоланиши мумкинлиги тўғрисида тўхталиб жамият ижро органи таркиби бўйича қуидаги таклифни киритди.

Жамият ижро органи раҳбари ва аъзолари:

- Бошқарув раиси Қ.Ҳ.Шомурадов;
  - Ишлаб чиқариш бўйича директор Ш.Умаров;
  - Молия ва нарх бўйича директор А.Ахатов;
  - Бош ҳисобчи F.Мавлонов;
  - Ишлаб чиқариш бўйича директор ўринбосари Қ.Обидов
- билан меҳнат шартномасини бир йилга яъни, акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишига қадар тузиш таклифини берди.

Ижро органи раиси ва аъзоларини ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий хужжатлар асосида моддий рағбатлантириш таклифи киритилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан йиғилиш иштирокчилари фикр, муносабат билдиришларини сўради ва муҳокамалардан сўнг кун тартибидаги масала овозга қўйилди:

Таклиф этилган кун тартибидаги **ўн иккинчи масала** бир овоздан маъкулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

**Овоз бериш натижалари:**

1. Қ.Ҳ.Шомурадов – 313 996 овоз
2. Ш.Умаров – 313 996 овоз
3. А.Ахатов – 313 996 овоз
4. F.Мовланов – 313 996 овоз
5. Қ.Обидов – 313 996 овоз

Кун тартибидаги **ўн учинчи масала** бўйича йиғилиш раиси сўзга

Ш.Хужабеков сўзга чиқиб, жамиятда 2023 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани утказиш учун аудитор хизматини курсатувчи ташкилотлар таклифини кўриб чиқиш ҳамда уларга тўланадиган хизмат хақи микдорини белгилаш тўғрисида гапирди.

Жамият акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бош мутахассиси Ж.Абдурахимов Аудиторлик ташкилотларидан келиб тушган тижорат таклифларига кўра “Marhamat-audit” МЧЖ ҳар бир молия хўжалик йили учун хизмат хақи микдори 20 (йигирма ) миллион сўм ва “Zamin Oil audit” МЧЖ 18(үн саккиз) миллион сўм микдорида ўз хизматлари учун таклиф қилишгани тўғрисида ахборот берди.

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн учинчи масала овозга қўйилди.

Овоз бериш натижаларига кўра “Zamin Oil audit” МЧЖ жамиятда 2023 йилда аудит текширувани ўтказиши учун йиғилиш катнашчилари томонидан бир овоздан маъкулланди.

#### **Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Кун тартибидаги **ўн тўртинчи масала** бўйича акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўлими бош мутахассиси Ж.Абдурахимов сўзга чиқиб, “Zamin Oil audit” МЧЖ нинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосасини ўқиб эшиттириди ва тасдиқлаш учун овозга қўйди (хулоса илова килинади).

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бир овоздан маъкулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

#### **Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Кун тартибидаги **ўн бешинчи масала** бўйича жамият бош ҳисобчиси Г.Мавлонов сўзга чиқиб, Корхонада харидлар жараёниниг шаффоғлиги асослилиги шу жумладан, махаллий махсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлилигини ҳисобга олган холда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит “Zamin Oil audit” МЧЖ хулосасини ўқиб эшиттириди ва тасдиқлаш учун овозга куйди.(хулоса илова килинди)

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн бешинчи масала бир овоздан маъкулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

#### **Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Кун тартибидаги **ўн олтинчи масала** бўйича жамият бош ҳисобчиси Г.Мавлонов сўзга чиқиб, Давлат руйхатидан чиқарилиб, фаолияти тугатилган юридик шахсларнинг куп йиллардан буён ундирилмасдан келаётган умидсиз, муддати утган дебитор қарздорликларни юридик шахс тугатилганлиги хақида тегишли хужжатларга асосан жамият балансидан

чиқаришни таклиф этди.(хужжат илова қилинади)

Таклиф этилган кун тартибидаги ўн олтинчи масала бир овоздан маъқулланди. Қарши ва бетарафлар бўлмади.

**Овоз бериш натижалари:**

«Тарафдорлар» - 313 996 овоз, «қаршилар» - йўқ, «бетарафлар» - йўқ

Умумий йиғилиш кун тартибидаги барча масалалар бўйича билдирилган таклиф ва талабларни ҳамда саноқ комиссияси баённомасини инобатга олган ҳолда «Жомбой дон маҳсулотлари» АЖ акциядорларининг

**УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. «Жомбой дон маҳсулотлари» АЖ умумий йиғилиш ишчи ҳайъати ва саноқ комиссияси куйидаги таркибда сайланганлиги тасдиқлансин:

- 1) Ш.Хужабеков - «Ўздонмаҳсулот» АК ишончли вакили
- 2) П.Алияров-“Ўздонмаҳсулот” вакили
- 3) Р.Тураев – 29,28 фоиз акция эгаси.

Саноқ комиссияси аъзолигига Ю.Хужақулова, С.Исмоилова ва И.Махмудовлар сайланганлиги тасдиқлансин.

Ж.Абдурахимов - йиғилиш котиби этиб сайланганлиги тасдиқлансин.

2. Акциядорлар умумий йиғилишининг регламенти ва кун тартиби тасдиқлансин.

3. Жамият Кузатув кенгашининг 2022 молиявий йил якунлари бўйича хисботи тасдиқлансин.

4. Ташқи аудитор хulosасига кўра ижро этувчи орган фаолияти самарадорлиги кўрсаткичи СИК 96,2% (аъло) ва мустақил баҳоловчи ташкилотнинг хulosасига кўра корпоратив бошқарув фаолияти 18 балл (қониқарли даражада) баҳоланганини эътиборга олган ҳолда, Жамият ижроия органи раиси Қ.Х.Шомурадовнинг 2022 йилда олиб борилган ишлари қониқарли деб топилсин ва фаолияти якунлари бўйича хисботи тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Призенидентининг 2019-йил ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ 2022-йил якуни бўйича “Жомбой дон маҳсулотлари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг Ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директорининг эшитилган хисботи маъқуллансин.

6. Жамиятнинг 2022 молиявий йил якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалар тўғрисидаги хисботи тасдиқлансин.

7. Жамият Тафтиш комиссиясининг 2022 молиявий йил якунлари бўйича хисботи ва хulosаси тасдиқлансин.

8. Жамиятнинг 2022 молиявий йил якунлари бўйича МЧЖ шаклидаги «Замин Оил-Аудит» аудиторлик ташкилотининг ҳисоботи ва хulosаси тасдиқлансан.
9. Жамиятнинг 2022 молиявий йил якунлари бўйича олинган 62 516 000 сўм соф фойдаси қўйидагида тақсимлансан:
  - 50,0 фоизини, 31 258 000 сўм ишлаб чиқаришни ривожлантириш фондига;
  - 50,0 фоизи 31 258 000 сўмни (бунда ҳар бир дона акция учун 31 258 / 362161 = 86,30 сўм) «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тўғрисида”ги қонуннинг 51-моддасига асосан акциядорларга дивиденд тўлашга йўналтирилсан.

Дивиденклар 2023 йил 31 марта 2023 йил 31 майгача бўлган муддатда тўлансан. Йил якуни бўйича фойданинг тақсимоти ва дивидентларни ўз вақтида тўлаш масъулияти жамият бош ҳисобчиси F.Мовлановга юклатилилсан.

- 10.“Жомбой дон маҳсулотлари” АЖ кузатув кенгаши аъзолари қўйидаги таркибда тасдиқлансан:

Ш.Хужабеков – «Ўздонмаҳсулот» АК ишончли вакили

П.Алияров – «Ўздонмаҳсулот» АК вакили

Б.Хасанов – «Ўздонмаҳсулот» АК вакили

Т.Қиличев – «Ўздонмаҳсулот» АК вакили

Р.Тураев – 29,28 фоиз акция эгаси

А.Тураева – 29,28 фоиз акция эгаси вакили

Қ.Мухторов – 29,28 фоиз акция эгаси вакили

Жамият кузатув кенгаши аъзолари ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий хужжатлар асосида моддий рафбатлантирилсан.

11. Жамият Тафтиш комиссияси аъзолари қўйидаги таркибда тасдиқлансан:

А.Юлдашев – “Давуруғ” ДУК ходими

Д.Темирова – “Шохрухмирзо” МЧЖ иктисадчи

Ж.Сайдакбаров – “Давуруғ” ДУК ходими

Жамият тафтишчилари ўз фаолиятини Узбекистон Республикасининг “акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукукларини химоя қилиш тугрисида”ги Конуннинг 107-моддаси ва “Тафтиш комиссияси тугрисида”ги низом талаблари асосида амалга оширсин ҳамда ҳар чоракда ва йил якуни бўйича акциядорлар умумий йигилишида ҳисбот бериб борсин.

Жамият тафтиш комиссияси аъзолари ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий хужжатлар асосида моддий рафбатлантирилсан.

12. Жамият ижро органи аъзолари қўйидаги таркибда тасдиқлансан ва кузатув кенгаши билан жамият бошқаруви органи ва аъзолари ўртасида бир йил муддатга меҳнат шартномаси тузилсан:

- 1) жамият бошқарув раиси - К.Х.Шомурадов,
- 2) ишлаб чиқариш, махаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор – Ш.Умаров,
- 3) молия ва нарх бўйича директор – А.Ахатов,
- 4) бош хисобчи – Ф.Мовланов,
- 5) ишлаб чиқариш, махаллийлаштириш ва саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш масалалари бўйича директор ўринбосари К.Обидов.

Жамият ижро органи аъзолари ва ишчи гурухига ўрнатилган тартибда амалдаги меъёрий хужжатлар асосида моддий рағбатлантирилсин.

- 13.** Жамиятда 2023 йил учун аудит текширувани утказиши учун “Zamin Oil audit” МЧЖ тасдиқлансин.“Zamin Oil audit” МЧЖнинг 2023 молия хўжалик йили учун хизмат хақи микдори 18(үн саккиз) миллион сўм қилиб белгилансин.
- 14.** “Zamin Oil audit” МЧЖ нинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш хулосаси маълумот учун кабул килинсин;
- 15.** Жамиятда харидлар жараёниниг шаффоғлиги асослилиги шу жумладан, махаллий махсулотларнинг сифат ва нарх бўйича белгиланган параметрларга мувофиқлиигини хисобга олган холда импорт харидларини шунингдек валюта ресурсларидан самарали фойдаланилиши тўғрисида ташқи аудит яъни “Zamin Oil audit” МЧЖ хулосасини маълумот учун кабул килинсин.
- 16.** Давлат руйхатидан чиқарилиб, фаолияти тутатилган юридик шахсларнинг куп йиллардан буён ундирилмасдан келаётган умидсиз, муддати утган дебитор қарздорликларни юридик шахс тутатилганлиги хақида тегишли хужжатларга асосан жамият балансидан чиқариш маълумот учун кабул килинсин.

Ушбу қарор ижросини таъминлаш жамият кузатув кенгаши ва жамият бошқарув раиси зиммасига юклатилсин.

*Баённома 2023 йил 7 апрель куни расмийлаштирилди.*

Йиғилиш раиси  
Йиғилиш котиби

Ш.Хужабеков  
Ж.Абдурахимов

**“Жомбай дон махсулотлари ” АЖ тафтиш комиссияси аъзоси  
Эшонқулов Шавкат тафтишчи вазифасига Сайдакбаров  
Журабек Олимжонович тасдиқланди.**

**Ўзбекистон Республикаси шахс гувохномаси  
Карта рақами AD2757938 амал қилиш муддати 08.03.2033  
Самарканд тумани IV 60417**